

## **АТТОРШУНОСЛИККА □ КИРИШ**

Не-не аждодларимиз учун кўл етмас орзу бўлган Мустакиллигимизнинг йигирма иккинчи йилида яшайпмиз. Истиклол бизга буюк боболаримизнинг улугвор маънавий меросини, хусусан, фалсафий-адабий, сиё-сий-хукукий ва диний-ахлокий кадриятларимиз жамланган кўлёма манбалар ва китобларни ўқиб-ўрганиш, уларни асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш имконини бергани боис ҳам азиз ва кимматлидир.

Мустакиллигимиз шарофати ила мукаддас Куръони карим, хадиси шарифлар маънавий дунё-карашимизда яна юксак кадрили топди, диний-фалсафий ва ахлокий-хукукий меросимизни ўқиш ва магзини чақиш борасида имкониятлар эшиги ланг очилди. Авваллари тақим тамгаси босилган канчадан-канча бебаҳо асарлар эндиликда халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Не саодатки, бугун барчамиз Имом Бухорий ва ат-Термизий, Имом Мотуридий ва Абдулхолик ўйждувоний, Баҳоуддин Нак-шбанд ва Бурхониддин Маргиноний, Нажмиддин Кубро ва Пахлавон Махмуд, Хофиз Шерозий ва Абулвафо Хоразмий, Хожа Ахмад Яссавий ва Хожа Ахрор Валий каби хассос сўз усталари ижодиётининг шаклий нафосати ва бадиий балогатидан тўла бахраманд бўлмокдамиз.

Ана шу нодир ноёб асарлар каторида Шарк мумтоз адабиётининг йирик намояндаларидан бири, ўзидан кейинги барча буюк иждоқорлар хурмат ила эътироф этган улкан мутасаввиф шоир Фаридуддин Атторнинг неча асрлардан буён дилларга манзур бўлиб келаётган “Мантик ут-тайр” (Тошкент, “Фан”, 2006), “Илохийнома” (Тошкент, “Мусика”, 2007), “Асрорнома” (Тошкент, “Ўзбекистон Миллий энтсиклопедияси”, 2008) каби мажозий дostonлари ҳам кейинги йилларда хассос шоиримиз Жамол Камол томонидан она тилимизга ўгирилдики, эндиликда китобхонларимиз ана шу маънавият жавахирларидан завқ ва бахра олаётир.

Мухими, юртимизда атторшунослик соҳасида янгидан-янги марралар забт этилмокда. Яқинда Шайхнинг “Панднома” ва “Булбулнома”, шунингдек, “Уштурнома” асарлари ҳам Жамол Камол таржимасида нашрдан чиқди. Буларнинг барчаси албатта, Ўзбекистонда Аттор ижодини чуқур ва муфассал ўрганиш борасида нечоғлик катта салоҳият мавжудлигининг яққол тасдиғидир.

Фаридуддин Аттор асарларининг ўзбекча таржималари Жамол Камол билан бир каторда 1994 йили “Илохийнома”нинг насрий таржимасини амалга оширган таникли тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов, 1997 йилда “Тазкират ул-авлиё” асарини ўзига хос маҳорат билан тилимизга ўгирган хассос шоир Мирзо Кенжабек каби калам ахлларининг самарали меҳнати ва жўшқин ижоди маҳсули эканини алоҳида кайд этиш лозим.

Асосийси, айнан мустакиллигимиз бу борадаги барча хайрли ишларга катта йўл очиб берди. Зотан, истиклолга кадар биз ўқиш ва билиш зарур бўлган фалсафий, тасаввуфий канчадан-канча китобларни кўлимизга ҳам олмаганмиз.

Айтиш керакки, Фаридуддин Аттор гоят сермахсул шоир бўлиб, ундан улкан адабий мерос колган. Шу билан бирга буюк алломанинг ижоди жаҳонда шунчалик кўп ва муфассал ўрганилганки, хорижда атторшунослик йўналиши шаклланган, десак асло муболага бўлмайди. Натижада у ҳақда сайёрамизнинг турли иқлимларида кўплаб илмий, фалсафий, адабий-бадиий асарлар яратилди ва яратилмокда.

Таникли уйгур шоири, адиби ва таржимони Азизийнинг “Фаридуддин Аттор” бадиаси ана шундай асарлар жумласига киради. Ушбу асар таржимон Хабибуллох Зайниддин, масъул муҳаррир Аҳмад Муҳаммад ва ноширларимиз саъй-ҳаракатлари билан китобхонларимизга тухфа этилди.

Бадиа муаллифи ҳақида икки оғиз: Азизий 1962 йили Хитой Халқ Республикаси Хўтон вилояти Чирё туманининг Мозорқўл кентида тугилган. 1985 йили Шинжонг университетининг адабиёт факултетини тамомлаган. Хозиргача мингдан зиёд назмий асарлар, икки юзга яқин таржима асарлар муаллифидир. Баъзи асарлари хитой ва ўзбек тилига таржима қилинган. Жумладан, Азизийнинг “Фаридуддин Аттор” бадиаси Ўзбекистонда илк бор “Жаҳон адабиёти” журнали (2009, 12-сон) саҳифаларида чоп этилган.

Муаллиф ўз асарида Фаридуддин Аттор яшаган мураккаб, таҳликали тарихий муҳитни муҳтасар баён этган. Бу давр ХИ-ХИИИ аср бошларидаги Салжукийлар, ўзғанавийлар, Хоразмшоҳларнинг ўзаро тўқнашувлари ҳамда Чингизхоннинг Ўрта Осиёни, хусусан, Бухоро, Самарканд, Урганч шаҳарларини босиб олиши билан характерланади.

Бадида Атторнинг она шаҳри Нишопур гоят гўзал бадиий бўёқларда тасвирланади. Нишопур — Шаркнинг машҳур тарихий ва маданий марказларидан. Бу шаҳар дунёга кўпгина атоқли олиму фузалоларни етказиб берган. Шаркнинг машҳур тасаввуф шоири, буюк маърифатпарвар Фаридуддин Аттор ана шундай мутафаккирлар жумласига киради.

### **ДАВЛАТШОХ САМАРКАНДИЙ: “ШОИРЛИК УНИНГ КАСБИ, ОДАТИ ЭМАС ЭДИ”**

Китобда мавлоно Навоий “шеър ёзишдан мақсади илохий сирларни баён қилиш ва чексиз маърифат тарқатиш эди” деб таърифлаган мутасаввиф шоирнинг ҳасби холи, ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти, адабий-фалсафий мероси ва тасаввуфий қарашлари муфассал тарзда ёритилган.

Фаридуддин Аттор Жалолиддин Румий ва Алишер Навоий каби даҳоларнинг маънавий устози бўлган. Аттор — тазкиранавис шоир. Жомий ва Навоий унинг “Тазкират ул-авлиё” асарига таяниб, ўз тазкираларини ёзганлар.

Аттор ҳаёти ва ижодий меросининг жавҳари — бу тасаввуф таълимотидир. Азизий ҳам буюк Шайх ҳасби холини чуқур ўрганган бошқа муаллифлар катори “Атторнинг ҳаёти ҳақидаги қарашлар бир-бирига мос келмайди” деб таъқидлар экан, шу боис ул зотнинг “ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги масалада бирор катъий хулосага келиш қийин” эканига эътиборни қаратади.

Ҳақиқатан ҳам, Атторнинг таваллуди ва вафоти йиллари ҳақида аниқ бир фикр мавжуд эмас. “Атторни тахминан ўн иккинчи асрнинг бошларидан ўн учинчи асрнинг дастлабки чоракларигача бўлган ораликда яшаб ўтган сиймолардан биридир, деб қарашга тўғри келади”, деб ёзади муаллиф.

Азизий ўз асарида Аттор ҳаётига оид турли гаройиб воқеа ва ривоятларни келтиради. Дарвешнинг ўлими, 12 ёшли Жалолиддин Румий билан учрашув, Атторнинг ўлими билан боғлиқ воқеалар шулар жумласидандир.

Атторнинг дунёда шухрат қозонган тўлик номи: Муҳаммад Фаридуддин ибн Иброҳим шайх Аттор Нишопурий бўлиб, халқ орасида машҳур бўлган “Фаридуддин” деган номи — “диннинг яғонаси” деган маънони беради.

Азизий Атторнинг таълим олиши билан боғлиқ жараёнлар ва устозлари ҳақида батафсил маълумотлар беради. Бунда у Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий,

Давлатшоҳ Самар-кандий каби мумтоз мутафаккирлар, Радий Фиш, Хелмут Риттер, Мустафо Услу, Нажмиддин Комилов каби замонавий муаллифларнинг асарларига таянган.

Шайх Аттор хаётда анча кийинчиликларни бошидан кечирган, огир синовларга дуч келган. Айни вақтда, юкорида кайд этганимиздек, Аттор ўзидан жуда бой мерос колдирган. Унинг асарлари сони хакида тадқиқотчилар орасида якдил фикр йўқ. Бу борада турли манбаларда ва турли муаллифлар томонидан турлича фикрлар билдирилади. Масалан, Давлатшоҳ Самаркандий “Тазкират уш-шуаро”сида Аттор асарларининг умумий хажмини 250 минг байтга яқин деб кўрсатган.

Германиялик шаркшунос олим, профессор Хелмут Риттер Аттор асарларини мазмунан ва услуб жихатдан уч боскичга бўлиб, унинг 22 та асарини ёзилиш тартиби бўйича кўрсатган. Х.Риттернинг таъбири билан айтганда, биринчи боскичда Аттор мохир хикоянавис, иккинчи боскичда хис-хаяжонга тўлиб тошган шоир, кейин эса хар кандай режадан фориғ бир холда асарлар яратган эркин ижодкордир.

Ўз навбатида, Азизий Атторнинг 18 та асарига киска, лекин мазмунан теран тавсиф берган. Муаллиф таъкидлаганидек, Атторнинг асарлари унинг дунёкарашини очиб беришга хизмат килади.

## **АТТОР — ТАСАВВУФШУНОС АЛЛОМА**

Азизий бадиасида Аттор дунёкарашининг асосий йўналишлари очиб берилган. Муаллиф асосли эътироф этганидек, “Аттор дунёкараши асосини ўрта аср Шарк ислом тафаккурининг илгор окими бўлган тасаввуф таълимоти ташкил этади”.

Фаридуддин Аттор тасаввуф таълимотининг йирик сиймоларидан биридир. Атторнинг барча асарларида тасаввуфий дунёкараш асосий ўринда туради. Азизий бу ҳақдаги фикрларини давом эттириб, “Аттор ўз таълимотларида тарикат масаласини бошдан-охир асосий ўринга кўйиб таъкидлайди ҳамда уни ибратли мисол, аклий тушунчалар оркали атрофлича шар-хлайди”, деб алоҳида кайд этади .

Тарикат инсон учун бир мактабдир. Азизийнинг ёзишича, бу мактабнинг асосий максади инсонни рухий ва аклий жихатдан тарбиялаб, такомилликка юзлантириш, ўз амалиёти оркали ўзини тарбиялаб инсоний фазилатни мустаҳкамлашдир.

Азизий тарикат, солиқ (сулук аъзоси), пир, мурид, тарикатнинг олти макоми (тавба, вараъа, факирлик, сабр, таваккул, ризо), тавхид (танҳолик), иймон каби тасаввуфнинг асосий тушунчаларини Аттор асарларида келтирилган ривоят ва хикоятлар асосида очиб берган . Шу билан бирга, муаллиф тарикат макомларининг сони бўйича турли тадқиқотчиларга мансуб фикрларни ҳам келтиради.

Бу жихатдан, Азизийнинг фикрига кўра, “Илохийнома”ни маълум маънода Атторнинг тасаввуфий карашларини шархлашга багишланган асар, дейиш мумкин. “Мантик ут-тайр” дostonидаги Шайх Санъон киссаси эса “тасаввуф адабиётида ажойиб сеҳрли кучга эга, ахлокий хикматларга бой, нозик бадиий туйгулар жилваланиб турадиган, кишининг рухий дунёсини ларзага соладиган ўлмас киссаларнинг биридир”.

Шундай килиб, Атторнинг тасаввуф хақидаги карашлари “рухий такомилликни тарғиб киладиган тараккиёт жараёнидан иборат бўлиб, у инсоннинг рухий камолотини мақсад килади”. Аттор маърифий йўлидаги етти водий (талаб водийси, ишк водийси, маърифат водийси, истигно водийси, тавхид водийси, хайрат водийси, факру фано водийси) “бир-бирини тўлдирувчи рухий камолот боскичлари бўлиб, у солиқда илохий маърифатнинг намоён бўлиши учун замин хозирлайди”.

Хулоса килиб айтганда, шайх Фаридуддин Атторнинг асарлари юртимизда аввалига парчалар шаклида ва насрда, сўнг эса мукамал холда, назмда таржима килиниб чоп этилгани, боз устига буюк мутасаввиф шоирнинг хасби холи ва ижодий фаолияти, адабий-фалсафий мероси мукамал тарзда очиб берилган хорижий муаллифларнинг сара асарлари ўзбек тилида китобхонларга тақдим этилгани тасаввуф адабиётини ўкиб-ўрганишда кейинги йилларда кандай улкан имкониятларга эга бўлганимиздан далолатдир.

Акмал САИДОВ,  
юридик фанлар доктори, профессор